

МОНГОЛ УНДГАХАА  
ТӨСӨМ ТЭГЭВЭР



# Эрхийн иктисогүйт төмөрчлөх

338. / 5/ 32711/4.  
7-78.

Плато. LISTED.  
Год 7 Плато. 1000. 900.  
2005.

103

248

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши академияси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
қошидаги Фан ва технологиялар маркази  
Ўзбекистон Фанлар Академияси М. М. Мўминов  
номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти

«ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ВА ИСЛОҲ ЭТИШ» РУКНИ

## ЭРКИН ИҚТИСОДИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ



«Akademniya» нашриёти  
«Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти»  
Тошкент 2005

Матн муаллифлари:

Ҳ.Абулқосимов, Э.Набиев, Д.Раҳимова, О.Аҳмедов,  
Ш.Юлдашев, Р.Ҳасанов

Ушбу рисолада Президентимиз И.А. Каримовнинг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасида ислохотларни чуқурлаштириш, эркин бозор иқтисодиёти тамойилларини қарор топтириш, инвестиция жараёнлари ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда аҳоли даромадларининг ошиб боришини белгилайдиган омиллар борасида илгари сурилган гоя, таклиф ва тавсиялар таҳлилига бағишланган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу рисола тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45-уй. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси.

Библиотека

СамСХИ

№ 67

32711/4

© «Akademiya» нашриёти  
«Ўзбекистон Файласуфлари  
миллий жамияти нашриёти»

## Кириш

Ўзбекистонда ислохотларнинг ҳозирги босқичи, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнида эркин иқтисодиёт тамойилларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришдан асосий мақсад — эркин иқтисодиётни қарор топтириш эканини алоҳида таъкидлади. Президент маърузасида мазкур соҳада бажарилиши лозим бўлган қуйидаги вазифалар илгари сурилган:

— бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш;

— хусусий тармоқни жадал ривожлантириш, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини ошириш;

— кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш;

— молия ва банк тизимларидаги ислохотларни чуқурлаштириш;

— уй-жой коммунал хўжалигини ислох қилиш;

— солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш.

Маълумки, эркин бозор иқтисодиёти — мулкчилик шаклининг турли-туманлиги, иқтисодий плюрализм, эркин тадбиркорлик, танлаш эркинлиги, мулкдорлар синфининг шаклланиши каби омиллар билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

Рисолада ана шу мураккаб, кенг қамровли масаланинг назарий ва амалий жиҳатлари, эркин иқтисодиётга хос хусусиятлар, йўналиш ҳамда тамойиллар хусусида сўз боради.

## Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳақида тўхталиб, бутун кўндаланг турган «асосий устувор вазифа, аввалгидек — бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат» эканини алоҳида таъкидлади. Зотан, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосини фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган ҳамда ижтимоий ҳимояга йўналтирилган бозор иқтисодиёти ташкил этади.

Эркин бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси — иқтисодий плюрализмдир. Иқтисодий плюрализм мулк шакллари ва ҳўжалик юритиш усуллариининг хилма-хиллигида ўз ифодасини топади ва у алоҳида мулк шаклининг якка ҳукмронлигига йўл қўймайди.

Ҳуқуқий демократик жамиятга хос иқтисодий тизимнинг қуйидаги хусусиятларини санаб ўтиш мумкин. 1) хусусий мулк; 2) тадбиркорлик ва танлов эркинлиги; 3) шахсий манфаатнинг инсон хатти-ҳаракатида бош мотив эканлиги; 4) рақобат; 5) эркин нархлар тизими; 6) иқтисодиётга давлат аралашувининг чекланганлиги.

Ўзбекистонда хусусий мулк қуйидаги икки йўналишда ривожланмоқда: биринчиси, якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорларнинг, деҳқон ва фермерларнинг хусусий мулки; иккинчиси, кишиларнинг ширкат ҳўжаликларидаги пайлари, акциядорлик жамиятларидаги акциялари, уюшмалардаги улушларидан иборат корпоратив хусусий мулк. Якка ва корпоратив (улушли) хусусий

мулк эгалари мулкдор ҳисобланиб, уларнинг мулкка бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланади. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади ва ундан фойдаланади.

Тадбиркорлик эркинлиги — алоҳида гуруҳ ёки шахснинг фойда олиш мақсадида иқтисодий фаолият юритиш эркинлигини билдиради.

Танлаш эркинлиги — мулк эгасининг ўз ихтиёридаги ресурслар ва маблағлардан хоҳишига кўра фойдалана олиш эркинлигини ифодалайди. Бунинг учун, биринчидан, иқтисодий ресурс бозорлари турли-туман ва альтернатив товарлар билан тўлган бўлиши керак, иккинчидан, давлат истеъмолчиларнинг ҳаёти ва саломатлигига зиён етказувчи товарлардан ҳимоя қилиши зарур. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари айтиш шундай мақсадда ҳаётга жорий этилди. Тадбиркорлик субъектлари фойда олиш учун интилиб, бор қобилият ва имкониятларини ишга солади. Рақобат иқтисодий фаолият субъектларининг шахсий манфаатларини рўёбга чиқариш борасидаги ҳаракатларини тартибга солувчи механизмдир. Шунингдек, рақобат иқтисодий муносабатларни узлуксиз ривожланишга ундайдиган куч ҳамдир.

Эркин тадбиркорлик, рақобат ва нархлар тизимига асосланган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ўрни чекланган бўлади. Давлат бозор механизмининг амал қилишига кўмаклашади. Бунинг учун у иқтисодиёт субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини яратиб, “ўйин” қоидаларини белгилайди. Аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиб боришини, кам таъминланган аҳоли қатламлари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида аҳоли даромадларини солиқлар, трансферт тўловлари воситасида қайта тақсимлайди. Макроиқтисодий барқарорликни таъ-

минлаш мақсадида солиқ-бюджет ва пул-кредит тизими воситасида иқтисодиётни тартибга солади. Давлат бозор механизми тўла-тўқис бажара олмаган вазифаларни ўз зиммасига олиб, рақобат муҳитини сақлайди, иқтисодиёт субъектларининг эркин фаолиятини таъминлайди ҳамда жамият учун керак бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш хусусий мулк кўламини кенгайтириш, унинг дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти ва танлаш эркинлигига, рақобатта асосланган бозор муносабатларини ривожлантириш давлатнинг иқтисодий функцияларини чеклаш билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида (1992-1994 йилларда), асосан, савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимига кирувчи объектларни маҳаллий саноат корхоналарини, уй-жойларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилди.

Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида (1995-1999 йилларда) давлат мулкининг дастлабки хусусийлаштирилишини тугаллаш, тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар бериш вазифалари белгиланди.

Бу босқич саноат, қурилиш ва транспорт соҳасидаги, агросаноат комплексининг гўшт-сут, озиқ-овқат ва пахта саноати тармоқларидаги ўрта ва йирик корхоналар, шунингдек, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларидаги сайёҳлик мажмуаларининг хусусийлаштирилиши билан бошланди. Бу босқичда очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари яратилди, уларнинг акциялари эркин сотувга чиқарилди ва натижада кенг кўламдаги кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозори вужудга келтирилди. Давлатнинг акциялардаги улуши 26 фоиздан ошмаслиги лозим деб белгилаб қўйилди. Акцияларнинг 50 фоиздан

кўпроғи аҳолига, миллий ва хорижий сармоядорларга эркин сотувга қўйилди. Бироқ, айтиш мумкин, шу даврда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат ва назорат қилувчи органларнинг ноқонуний аралашуви ҳолатлари рўй берди. Иқтисодийнинг нодавлат секторида монополистик бирлашмалар, корхоналар вужудга келдики, уларнинг ички истеъмол ва ишлаб чиқариш воситалари бозорида ўз ҳукмронлигини ўрнатиши нарх-навоининг сабабсиз кўтарилиб кетишига олиб келди. Ушбу сектордаги акциядорлик жамиятларининг устав фондида, акцияларида давлат улуши катта миқдорда сақланганлиги давлат ишончли вакилларининг улар фаолиятига ноўрин аралашушига имкон яратар эди.

Валюта тизими ва валюта бозорининг давлат томонидан қаттиқ назорат қилиниши эса корхоналар ва тадбиркорларнинг ташқи бозорларга эркин чиқиш имкониятларини камайтирарди. Бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг ривожланмаганлиги туфайли тадбиркорлар моддий техника ресурслари, молиявий маблағлар, кредитлар олишда қийинчиликка учрар эди.

Ушбу нохуш ҳолатлар иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш, тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркинлигини кенгайтириш, хусусий мулкдорлар мавқеини янада кўтаришни тақозо этди. Иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш мамлакат сиёсий ҳаёти, давлат ва жамият қурилишини янада либераллаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқдир.

Иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш натижасида амалда жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни кафолатловчи, иқтисодий ривожланишни таъминловчи ўрта мулкдорлар синфи шаклланади.

Президент Ислам Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” номли асарида иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш юзасидан қуйидаги вазифаларни белгилаб берган.

**биринчидан**, мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини ҳал этиш. Бунинг учун хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш;

**иккинчидан**, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш;

**учинчидан**, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;  
**тўртинчидан**, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш;

**бешинчидан**, валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш;

**олтинчидан**, давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашувини чеклаб қўйиш.

Мазкур вазифаларни амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида давлат мулкни хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш тадбирлари олиб борилди. 2000-2003 йилларда 4636 та тармоқ таркибини белгилаб берувчи йирик корхоналар, ижтимоий-маданий объектлар давлат тасарруфидан чиқарилди. Шу давр охирига келиб, акциядорлик жамиятлари сони 4100 дан ошиб кетди.

Кичик, хусусий бизнес ва тадбиркорликни рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари кенгайтирилди, даромад солиғи ставкалари қисқартирилиб, солиқ юки енгиллаштирилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг муҳофазаси кафолатланганлиги натижасида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг сони 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра 280 мингга етди. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35,6 фоиздан ошди. Хусусий секторда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг қарийб 57 фоиздан ортиғи фаолият юритмоқда.

Ушбу вазифаларни амалга ошира бориш оқибатида 2003 йилда 1990 йилга нисбатан иқтисодиётда нодавлат секторнинг улуши ЯИМда 38,1 фоиздан 74,5 фоизга, са-

ноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 10,4 фоиздан 73,9 фоизга, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 65 фоиздан 99,2 фоизга, чакана савдо айланмасида 51 фоиздан 98,6 фоизга, аҳолининг иш билан бандлигида 37,2 фоиздан 77,2 фоизга етди.

Бугунги кунга келиб ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тизими қайта кўриб чиқилди. Валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди ва миллий валютаимиз — сўмнинг 2003 йил 15 октябрдан жорий тўловлар бўйича эркин алмашуви амалга оширила бошланди.

Мамлакатимизда демократик жамият асосларини яратишнинг муҳим устувор йўналиши ҳисобланган хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шунингдек, хусусийлаштириш жараёни тобора йирик корхоналарни, ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига қамраб олмақда. Корпоратив хусусий мулк миқёсини кенгайтириш учун акцияларни сотишнинг бирламчи ва иккиламчи биржа ҳамда биржадан ташқари бозори ривожлантирилмоқда.

Кичик тадбиркорлик субъектларини моддий-техника ресурслари ва молиявий, шу жумладан, кредит маблағлари билан таъминланишини яхшилаш, ишлаб чиқарилган товарларни сотиш учун бозор инфратузилмаларини ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш ҳамда уларга сервис хизмати кўрсатувчи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналарини, уларнинг филиалларини қишлоқларда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ амалга оширилаётган ижобий ишлар кўлами қанчалик кенг бўлмасин, ҳамон талай муаммолар кўндаланг бўлиб турибди. Чунончи, юртбошимиз эски маъмурий

тақсимот тизимининг сақланиб қолганлиги, давлат органларининг иқтисодиётга ноўрин аралашувини чеклаш жараёнларининг суст бораётганлигини таъкидлаган эди. Бундан ташқари, тадбиркорларни рўйхатта олиш тизими соддалаштирилганлигига қарамасдан, улар ҳамон кўплаб маъмурий тўсиқларга учрамоқдалар. Бозор инфратузилмаларининг етарли даражада ривожланмаганлиги туфайли тадбиркорлик субъектларини моддий-техника, молиявий, шу жумладан, кредит ресурслари билан таъминлашда қийинчиликлар, етишмовчиликлар мавжуд. Тадбиркорларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маданиятининг шаклланиши ҳам қийин кечмоқда. Шунингдек, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари ўз фаолиятини бозор муносабатлари талабларига мос равишда ташкил этиш, юритиш кўникмасига, тажрибасига етарли даражада эга эмаслар.

Эндиликда, мамлакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш учун юртбошимиз эски маъмурий-тақсимот тизими андозаларидан бутунлай воз кечиш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини янада чеклаш, эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий кафолатларни таъминлаш, иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш, тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этиш вазифаларини белгилаб берди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2005 йилнинг охиригача 3728та давлат корхонасини хусусийлаштириш дастури тўлиқ амалга оширилади. Шу жумладан, 1391та (37,3%) корхонадаги давлат улуши тадбиркорлар ва хорижий сармоядорларга сотилади. Давлат улуши 50% дан ортиқ бўлган 683та (18,3%) корхона биржа ёки бозорлар орқали сотилади. Кейинги йилларда оғир иқтисодий аҳволда қолган 365 та корхона инвестицион мажбуриятлар асосида сармоядорларга текинга берилади.

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш мақсадида Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан якка ва корпоратив, яъни улушли хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини янада кучлироқ ҳимоя қилиш, уларнинг масъулиятини ошириш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминловчи ҳамда уларнинг хўжалик фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун 2005 йилнинг охирига келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонини 300 мингтага, фермер хўжаликларини 129 мингтага, ҳуқуқий шахс мақомидаги деҳқон хўжаликларини 48 тага ҳамда уларнинг ЯИМдаги улушини 38,3% га, яқин 5-10 йил ичида эса 50-60% га етказиш учун шарт-шароитлар яратилади.

Эндилиқда, мулкчилик шаклларида қатъий назар тадбиркорлик субъектлари учун босқичма-босқич, тенг иқтисодий фаолият шароитларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун айрим стратегик аҳамиятга эга бўлмаган корхоналарга ассосиз равишда берилган имтиёзларни ва улар учун яратилган қулай шароитларни бекор қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, хўжалик субъектлари ҳам қатъий молиявий чеклашлар доирасида, яъни ялпи харажатларининг ялпи даромад ҳажмидан ошиб кетишига йўл қўймаслик асосида фаолият кўрсатишлари зарур. Бошқача қилиб айтганда, улар даромадга яраша буромад қилишга ўрганишлари лозим.

Иқтисодиёт субъектлари учун солиқ юкини камайтириб бориш билан бир вақтда, солиқ тизимининг қатъийлигини ошириш, имтиёзлар беришни мувофиқлаштириш, кредитларни қатъий шартлар асосида бериш амалиётини жорий этиш уларнинг масъулиятини янада оширади.

Бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий қилиш учун давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш давом эттирилади.

Аммо иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизмини ривожлантириш ва унинг бозор механизми билан уйғунлигини таъминлаш йўлида ҳали, шубҳасиз, кўп ишлар қилиш даркор.

Демократик жамият қуриш учун давлатнинг иқтисодий фаолиятини чеклаш, унинг вазифаларини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органларига, нодавлат тузилмалари зиммасига юклаш эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишга қулай шароит яратади. Пировардида, бозор иқтисодиётининг шаклланишига, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга эришилади. Мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши — унинг жаҳон ҳамжамятида муносиб ўрин эгаллашига замин яратади.

### Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ўсиш

Юртбошимиз 2004 йил давомида эришилган ютуқлар тўғрисида тўхталиб, «авваламбор, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди», деб таъкидлаган эди.

Зеро, иқтисодий юксалиш мамлакат учун муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки иқтисодий ривожланиш, аввало, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлайди, фуқароларнинг турмуш даражасининг ошишига, ижтимоий-маданий соҳа салоҳияти тараққиётига хизмат қилади.

Бозор муносабатлари шароитида нархларнинг ўзгариб туриши ҳамда талаб ва таклифнинг бир-бирига мослашу-

ви, мувофиқлашуви орқали вужудга келадиган бозор мувозанати иқтисодий барқарорлик ва ўсишга замин яратади. Шунингдек, ижтимоий ишлаб чиқариш бозор орқали ижтимоий истеъмол билан уйғунлашади, оқибатда, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш юз беради. Бироқ, муайян муддатдан сўнг, кўп фойда олиш мақсадида бир-бири билан рақобатга киришган кўплаб иқтисодиёт субъектларининг фаолияти туфайли бозор мувозанати бузилади.

Бозор мувозанатининг вужудга келиб, муайян муддатдан сўнг таклифнинг, яъни ишлаб чиқаришнинг ялпи талабга (истеъмолга) нисбатан ўсиб кетиши туфайли даврий тангликлар (кризис) тез-тез такрорланиб туради. Шунинг учун бозор мувозанатини қарор топтириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун бозор механизмидан ташқари, унга кўмаклашувчи давлат механизмига зарурат туғилади.

Давлат макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини юритиш орқали иқтисодий ўсиш циклидан тангликка, пасайишга ўтишдаги салбий оқибатларнинг олдини олиш, шунингдек, тангликдан иқтисодий ўсиш сари ўтиш учун қулай имкониятлар вужудга келтирилади.

Ўзбекистонга тоталитар тузумдан бир ёқлама ривожланган, хом ашёга ихтисослашган, пахта якка ҳокимлигига асосланган иқтисодий тизим мерос бўлиб қолган эди. Бу иқтисодиёт собиқ иттифоқнинг сўнгги йилларида таназзулга учраб, иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиб борди. Собиқ Иттифоқнинг тарқаб кетиши, республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг бузилиши XX аср 90-йилларининг бошида ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин пасайишига олиб келди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакат иқтисодиётини чуқур таназзулдан олиб чиқиш, унинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида Президенти

дент Ислом Каримов раҳбарлигида ижтимоий-иқтисодий барқарорлаштириш сиёсати ишлаб чиқилди.

Барқарорлаштириш — бу, энг аввало, макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиб кетишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймаслик, шунингдек, пулнинг қадрсизланиши, пул эмиссиясининг бошқарилишини таъминлаш, тўлов балансини бир меъёردа сақлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган давлат сиёсати экани Президентимиз томонидан белгилаб берилди.

Ушбу сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда жаҳон тажрибасида қўлланиб келинган турли ёндашувлар чуқур таҳлил қилинди ва қўйидаги мезонлар асос қилиб олинди:

— ишлаб чиқариш ҳажмини таркибий ўзгаришлар ва техника жиҳатдан қайта қурулантириш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда қисқаришига йўл қўймаслик;

— устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш, ишлаб чиқариш фаолиятининг рағбатлантирилишига кўмаклашиш;

— давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини таъминлаш;

— инфляцияни жиловлаш;

— тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш;

— ижтимоий аҳволни барқарорлаштириш учун кучли ижтимоий сиёсат мувозанатини таъминлаш; аҳолининг турмуш даражасини мумкин қадар юксалтириш.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ислохотларнинг дастлабки босқичларидаёқ Ўзбекистонда иқтисодий сиёсатнинг уч таркибий қисми бирлаштирилиб, бир вақтнинг ўзида амалга оширилди:

- макроиқтисодий барқарорликка эришиш;
- институционал ва бозор ўзгартиришларини ўтказиш;

- давлат инвестициявий дастурлари ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига иқтисодиётда таркибий қайта қуришни амалга ошириш.

Юқоридагиларнинг иккитаси ўтиш иқтисодиётини бошидан кечираётган қўплаб мамлакатлар учун хос бўлса, учала йўлни бирваракайита, қўшиб олиб бориш фақат Ўзбекистонгагина хосдир. Бу эса Ўзбекистон иқтисодий ислохотлари моделининг ўзига хослигидан далолат беради.

Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлаштириш дастури доирасида қуйидагилар амалга оширилди:

- миллий валюта жорий қилиниб, мустақил пул муомаласи тизими йўлга қўйилди;

- пул муомаласида илгари юзага келган гиперинфляция жараёнлари сўндирилиб, у назорат қилиш мумкин бўлган даражага туширилди;

- товарлар ва хизматлар бозорида тўловга қобил жами талаб билан таклифни муайян даражада мувозанатга келтиришга эришилди;

- қатъий молиявий сиёсатни ўтказиш асосида давлат бюджетидagi камомад йўл қўйиладиган энг кам даража (ялпи ички маҳсулотнинг 3-4% атрофида) доирасида ушлаб турилди;

- ёнилғи-энергетика ресурслари ҳамда ғалла импортини кескин камайтириш, шунингдек, энергетика ресурслари ва рангли металларни экспорт қилишни ошириш ҳисобига ташқи савдода ижобий сальдога эришилди.

Ўзбекистонда барқарорлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши натижасида ислохотларнинг биринчи босқичида 1990 йилга нисбатан иқтисодий пасайиш бошқа МДХ мамлакатларидек оғир кечмади. Ялпи ички маҳсулот 1995 йилда 1990 йилга нисбатан фақат 18,2%га камайди<sup>1</sup>. Мак-

роиктисодий барқарорлаштириш сиёсатининг асоси сифатида қаттиқ монетар ёндашувни қабул қилган бошқа МДХ мамлакатларида ЯИМ ҳажми 40-60 %, жумладан, Россияда 48%, Қозоғистон ва Украинада 55 %гача, Молдовада 2 барабардан зиёдга пасайиб кетди<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда ЯИМнинг энг паст даражага тушиши 1992 йилда кузатилган. Шу йили ЯИМ 11 %га камайган. 1995 йилда эса 1,2 %га пасайган, холос.

Республикада 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш давом этмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 1996 йилда 1,7; 1997 йилда 5,2; 1998 ва 1999 йилларда 4,4; 2000 йилда 4,0; 2001 ва 2002 йилларда 4,2; 2003 йилда 4,4; 2004 йилда 7,7 фоизни ташкил этди. Шу йилларда инфляция даражаси ҳам пасайиб борди. Ўртача йиллик инфляция 1996 йилда 64,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 28,2; 2002 йилда 21,6; 2003 йилда эса 3,8; 2004 йилда 3,7 %га пасайди.

Иқтисодий ўсишнинг энг юқори кўрсаткичлари 2004 йилда қайд этилган. Ўтган йили саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9,4%, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 13,4%, саноат товарлари ишлаб чиқариш 18,6%га, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,1 фоизга ошди. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, кейинги йилларда биринчи марта 3,5 млн. тонна ҳажмида пахта хом ашёси етиштирилди. Бошқоқли экинлардан 5 млн. тоннага яқин ҳосил олинди.

2004 йилда 1991 йилга нисбатан ЯИМ ишлаб чиқариш 119%, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 165,5%, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш 131,2%ни ташкил этди. Ваҳоланки, ЯИМнинг 2003 йилдаги ўсиши 1991 йилга нисбатан Арманистонда 108,2%, Қозоғистонда 106,2%, Беларусда 105,4%, Россияда 83,6%, Тожикистонда 83%, Қирғизистонда 81,2%, Украинада 58%, Грузияда 57,1%, Молдовада эса атиги 51%ни ташкил этди.

Молиявий барқарорлик ҳам таъминланди. 1998 йилда бюджет камомати ЯИМга нисбатан 2,3%дан 2004 йилда 1%гача камайди. Тўлов балансининг барқарорлигига эришилди. Ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт ҳажми кейинги 2003 ва 2004 йилларда ўсиш тамойилига эга бўлмоқда.

2003 йилда экспорт ҳажми 24,6%, импорт ҳажми 9,3 % ўсган бўлса, 2004 йилда шунга мос равишда бу ўсиш 30 % ва 23%ни ташкил этди. Шу билан бирга, фаол экспорт сиёсатининг амалга оширилиши натижасида ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 1998 йилда 239,5 млн АҚШ долларида 2003 йилда 760,8 млн. АҚШ доллари-гача ўсган бўлса, 2004 йилда 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Ташқи савдода ҳам муайян ижобий натижалар қўлга киритилди. Чунончи, 1992 йилда экспорт таркибида пахта толасининг улуши 49 фоизни ташкил этган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 20 фоизга пасайди. Шу билан бирга, экспорт таркибида кимё маҳсулотлари ва пластмассалар, қора ва рангли металллар, машина ва ускуналар, хизматлар улуши ортиб бормоқда. Импорт таркибида эса машина ва ускуналар улуши 1992 йилдаги 12 фоиздан 2003 йилда 45 фоизга етди. Ташқи савдо айланмасида экспорт улушининг устуворлигига эришилди.

Мамлакатимиздаги иқтисодий ўсиш суръатига солиқ юкининг босқичма-босқич пасайтирилиб борилиши ижобий таъсир кўрсатди. 1998-2004 йилларда йиғма бюджет даромадлари бўйича ҳисобланган солиқ юки 39,0 фоиздан 31 фоизга, Давлат бюджети даромадлари бўйича ЯИМга нисбатан эса 32,2 фоиздан 21,4 фоизга камайди. Корхона-ларнинг даромадига (фойдаси) белгиланган солиқ ставкаси 33 фоиздан 20 фоизга туширилди.

Солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож топди. Кичик биз-

неснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1991 йилда 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 31,5 фоизга, 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра 35,6 фоизга етди.

Хусусий корхоналарининг сони 2004 йилда 14%га кўпайди ва 425 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. «Бу натижаларга эришишда, — деб таъкидлади Президент Ислон Каримов, — тадбиркорларнинг эркин фаолият юртишларини кафолатлаш, уларни давлат рўйхатига олишнинг соддалаштирилган механизмини жорий қилиш, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тартибини унификация қилиш, кичик бизнес субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар муҳим омил бўлди».

Иқтисодий ўсишни таъминлашда мамлакат иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг йилдан йилга ўсиб бориши муҳим роль ўйнади. Инвестициялар ҳажми 2000 йилда 1%, 2001 йилда 3,7 фоиз, 2002 йилда 3,8 фоиз, 2003 йилда 4,5 фоиз, 2004 йилда эса 5,2 фоизга ўсди. ЯИМга нисбатан инвестициялар ҳажми 20 фоизни ташкил этди. Бунда марказлаштирилган инвестициялар улуши кескин камайди ва марказлаштирилмаган манбалар, аввало, корхоналарнинг ўз маблағлари улуши ошиб, жами инвестицияларнинг 43 фоиздан ортигини ташкил этди. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш 1,5 баробар кўпайди. Айниқса, нефть, газ, тўқимачилик саноатида уларнинг улуши янада салмоқли бўлди.

Мамлакатда макроиқтисодий барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишга эришилиши натижасида аҳоли турмуш даражаси тобора ўсиб, турмуш шароитлари яхшиланиб бормоқда. Аҳоли реал даромадлари 2000-2003 йилларда ўртача 11-12 фоизга ўсган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 15 фоизга ўсди. Шунингдек, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш 1991 йилдаги 56,4 фоиздан 2000

йилда 80,4 фоизга, 2003 йилда эса 81,8 фоизга ўсди. Шу жумладан, қишлоқларда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш 1991-2003 йилларда 48,4 фоиздан 77,4 фоизга ўсди. Шу давр ичида аҳолининг табиий газ билан таъминланганлиги 46,2 фоиздан 79,8 фоизга, шу жумладан, қишлоқларда шунга мос равишда 21,3 фоиздан 72,7 фоизга ўсди. Аҳолининг уй билан таъминланганлиги жон бошига 1991 йилдаги 12,2 квадрат метрдан 2003 йилда 14,3 квадрат метрга ўсди.

Айни пайтда мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлиб турган муаммолар ҳам йўқ эмас. Улар қуйидагиларда ўзифодасини топади:

- инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда хусусий капиталнинг етишмаётгани;

- ички бозорни ривожлантиришни таъминлашда аҳоли тўлов қобилиятининг пастлиги;

- иқтисодиётда монопол мавқенинг баландлиги рақобат ва хусусий бизнесни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётгани;

- хусусий секторнинг ривожланишида баъзи тўсиқларнинг сақланиб қолганлиги, чунончи, қонуний иш олиб бораётган ишлаб чиқарувчиларга солиқ юкининг юқорилиги;

- ташқи савдонинг эркинлаштирилиши тугалланмаганлиги;

- банк соҳасидаги ислохотларнинг тугалланмаганлиги ва пул муомаласидаги камчиликлар.

Истиқболда ушбу муаммоларни ҳал этиш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш орқали ЯИМ ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йиллик ўсиш суръатларини янада ошириш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётининг 2010 йилгача бўлган ривожланиш истиқболларига кўра, иқтисодий ўсиш, яъни ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 7-8 фоизга олиб чиқилад-

ди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати 8-9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш суръатини 6-7 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Таркибий ўзгаришлар оқибатида иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган таркибий тузилиши вужудга келади. Натижада, 2010 йилга келиб, экспорт ҳажми 3 баробардан зиёдга кўпайтирилади ҳамда унинг ЯИМдаги улуши 40-50 фоизга етказилади. Экспорт таркибида машина ва асбоб-ускуналарнинг улуши 15-17 фоизга етказилгани ҳолда пахта толасининг улуши 14-16 фоизгача қисқартирилади.

Барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминланиши аҳолининг реал даромадларининг йилига ўртача 10-12 фоизга кўпайишига, унинг турмуш шароитини яхшилашга имкон беради.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида қуйидаги макроиқтисодий шарт-шароитлар яратилиши лозим бўлади:

- йиллик инфляция даражасини 3-4 фоизга тушириш;
- иқтисодиётдаги солиқ юкини 22-24 фоизга пасайтиришга эришиш;
- миллий валюта барқарорлигини таъминлаш;
- банк тизими ва иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни давом эттириш;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш асосида иқтисодиётда давлат улушини 15-18%гача камайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 50%га етказиш;
- эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш;
- давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириш

бориш орқали иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмларини уйғунлаштириш;

— институционал ислохотларни амалга ошириш орқали иқтисодиётни маъмурий асосда бошқаришдан воз кечиш, уни иқтисодий восита ва дастаклар орқали тартибга солиш механизмини шакллантириш.

### **Иқтисодиётда таркибий ислохотларни амалга ошириш ва мамлакатни модернизация қилиш**

Жаҳон иқтисодиётининг шаклланиши ва кенг кўламда ривож топиши унда кечаётган таркибий ўзгаришлар мазмунига бевосита боғлиқ. Ҳар бир миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига уйғунлашуви таркибий ўзгаришларга ва силжишларга олиб келади. Бу ўзгаришларнинг қай даражада иқтисодий ўсиш ва ривожланиш мақсадларига мос келиши иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан ўта муҳим саналади.

Кўпгина иқтисодий адабиётларда “иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар”, “таркибий сиёсат” хусусида бирмунча тор фикр юритилади. Хусусан, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар дейилганда, унинг тармоқларидаги макроиқтисодий ўзгаришлар тушунилади, таркибий сиёсат эса, давлатнинг мазкур ўзгаришларни амалга ошириши лозим бўлган йирик чора-тадбирларини назарда тутди. Ўз иқтисодий мазмунига кўра, таркибий ўзгаришлар кенг маънода иқтисодиётнинг техник-иқтисодий модернизациясини тақозо этади. Шу сабабдан ҳам, таркибий ўзгаришларнинг энг юксак шакли — бу модернизация қилиш ҳисобланади. Модернизация қилиш, (лот. *modernisieren*, яъни «янги ривожланиш поғонаси, даражаси» маъносини англатади) ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

— иқтисодиёт таркибидаги тармоқларнинг ўзгариши

(одатда, иқтисодий тизимнинг табиий ривожланиш ёки иқтисодий сиёсат таъсирида ўзгариши);

— иқтисодиёт ҳудудий таркибининг такомиллашуви (ҳудудлар иқтисодиётининг мутаносиб ривожланиши);

— асосий капиталнинг янгилалиши (шу жумладан, давлатнинг инвестицион сиёсати асосида);

— фан-техника ютуқларини татбиқ этиш, ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан қайта қуrolлантириш (бунга давлатнинг фан-техника сиёсати сезиларли таъсир ўтказди);

— инсоний капиталнинг такомиллашуви (ишчи кучи малакасининг ортиши, қўшимча малакани ўзлаштириш, янги кадрларни тайёрлаш ва ҳ.к.);

— ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасининг ривожланиши;

— иқтисодий ўсишни таъминловчи рағбатлантириш механизмларини яратиш ва такомиллаштириш (бунда техник-иқтисодий модернизация, ижтимоий-иқтисодий модернизация билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади).

Қўпгина хорижий адабиётларда давлатнинг таркибий сиёсати хусусида гап борганда, асосан икки асосий йўналиш, яъни Дж.М.Кейнс асос солган ёндашув ҳамда неолиберализм концепцияси эътироф этилади.

Кейнснинг ёндашувига кўра, табиатан бозор иқтисодиёти ресурсларни оқилона тақсимлаш ва улардан фойдаланиш кафолатини бермайди. Ривожланаётган мамлакатларга хос бўлган бу хусусият бозорларнинг такомиллашмагани билан ифодаланади. Бундай вазиятда давлатнинг, аynиқса, инвестицион сиёсатда аралашуви фаол бўлиши керак.

Неолибералистик ёндашувга кўра, давлатнинг ресурсларни тақсимлаш ва инвестицион сиёсатга аралашуви ноўрин, бу жараён фақат бозор механизмлари воситасидагина тартибга солиниши лозим. Чунки давлатнинг фаол

инвестицион сиёсати жамиятнинг молиявий тизимига салбий таъсир этиши оқибатида инвестицияларга жалб этиладиган жамғармалар механизми бузилади. Бу ўринда давлатнинг муҳим вазифаси — барча бозорларнинг мутаносиб ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш ҳисобланади, яъни макродаражада институционал ислохотларни амалга ошириш ҳамда бозорларни эркинлаштириш талаб этилади.

Бозор муносабатлари равнақ топган мамлакатларда таркибий сиёсатни амалга оширишда давлат қўпгина ҳолларда иккиламчи таъсир этиш услубларини қўллайди: солиқлар, божлар, рағбатлантирувчи пул-кредит тадбирлари ва ҳ.к. Бозор институтлари ва хусусий сектор яхши ривожланмаган ҳолларда эса, ресурсларни маъмурий тақсимлаш услубларидан фойдаланилади:

- хом ашё ва экспорт товарлари нархларининг паст бўлиши (давлат харид ва бозор нархлари ўртасидаги фарқни инвестицияларни молиялаштиришда қўллайди);

- бир нечта валюта алмашинув курсларининг мавжудлиги;

- протекционистик тўсиқлар;

- тижорат банклари активларидан саноатнинг устувор йуналишларини молиялаштиришда фойдаланиш.

Агар қайта ишловчи саноат корхоналарини ривожлантириш талаби қўйилса, уни таъминловчи — донор тармоқ сифатида файдали қазилмаларни қазиб олиш саноати, қишлоқ хўжалиги ва молия сектори белгиланади. Оқибатда, таркибий ўзгаришлар зўрма-зўраки, “жамғармаларни мажбурий йўналтириш” асосида амалга оширилиб, юқори солиқлар белгиланади. Таркибий ўзгаришларни ушбу услублар асосида амалга ошириш нафақат тармоқлараро мутаносибликка, балки ижтимоий-иқтисодий тақсимот тизимига ҳам путур етказди.

Ўтиш иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий

сиёсат соҳасидаги функцияларини уч йирик йўналишга ажратиш мумкин. Биринчи йўналиш ижтимоий-иқтисодий (хусусан, бозорни эркинлаштириш (либераллашув)) ва институционал ислохотларни ўз ичига олади. Макро-иқтисодий сиёсат йўналишида давлатнинг асосий функциялари: а) молиявий барқарорликни таъминлаш (инфляцияга барҳам бериш ва тўловлар интизомини таъминлаш); б) иқтисодиётда таркибий-инвестицион тадбирларни амалга ошириш (иқтисодиёт тармоқлари таркибини ўзгартириш, миллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини қайта таркибий тизимга мослаштириш, иқтисодий ўсиш шароитларини яратиш) ҳисобланади.

Микроиқтисодий сиёсат ўз навбатида: а) ижтимоий сиёсатни амалга ошириш (табиийки, бозор иқтисодиётига ўтаётган барча давлатларда у муҳим ўрин эгаллайди); б) рақобат муҳитини яратиб бериш (монополияларга барҳам бериш ва адолатли, тенг рақобат муҳитини бозор тамойиллари асосида ташкил қилиш) функцияларини бажаради.

Албатта, ўтиш даврида давлатнинг асосий функцияси молиявий барқарорликни таъминлаш ҳисобланади. Шунингдек, лозимки, молиявий барқарорликсиз бозор механизмларининг самарали фаолият юритиши мумкин эмас. Бозор механизмларининг самарали фаолият юритиши эса, бозорни эркинлаштиришнинг асосий мақсадидир. Шу билан бир қаторда, қайд этилган сиёсат йўналишлари ўртасида муайян қарама-қаршиликлар мавжуд. Хусусан, фаол ижтимоий ва таркибий инвестицион сиёсат молиявий барқарорликка сабаб бўлиши ҳамда давлат бюджетининг шаклланиши ва сарфланишида қийинчиликларга олиб келиши мумкин.

Таркибий инвестицион ўзгаришлар, бир томондан, молиявий барқарорликка таъсир ўтказса, иккинчи томондан, аниқ мақсадларни амалга ошириш учун бозор

механизмларига хос бўлмаган услублардан фойдаланишни тақозо этади. Чунки бозор тизими ва механизмлари ҳали тўлиқ қарор топмаган ҳисобланади.

Шу ўринда, таъкидлаш лозимки, таркибий-инвестицион ўзгаришларни амалга оширишда давлатнинг алоҳида ўрни бор. Таркибий-инвестицион ўзгаришлар муваффақиятли яқун топиши учун қандай институционал ислохотлар амалга ошириш лозим, деган савол ўта муҳим саналади. Одатда бу хилдаги жараёнлар ўтиш иқтисодиёти шароитидаги мамлакатларда ўзига хос тарзда кечади. Ушбу жараёнларнинг қандай кечиши ва уларни ўрганиш мобайнида нималарга эътибор қаратилиши хусусида тўхталиб ўтамыз.

Ўтиш даврида ва бозор тизимлари қарор топмаган иқтисодиётда эркин хўжалик фаолиятини амалга ошириш йўлида қуйидаги тўсиқлар мавжуд бўлади:

— нархлар, иш ҳақи, фоиз ставкаларини чегаралаш ва оператив назорат этиш;

— айрим хўжалик операцияларини (кредит билан таъминлаш, валюта операциялари, воситачилик ва ҳ.к.) чеклаш;

— хўжалик қарорларини қабул қилишда бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги.

Бозорни эркинлаштириш, яъни либераллашув тамоийллари эса қуйидагилар ҳисобланади:

**Нархларни эркинлаштириш.** Бу борада нафақат истеъмол бозоридаги нархларни эркинлаштириш, балки хом ашё ва барча бошқа турдаги ресурслар нархларини эркинлаштириш назарда тутилади. Америкалик олим М.Фридменнинг фикрича, нархлар бозор иқтисодиёти шароитида қуйидаги уч функцияни бажаради: а) инфор­мацион (яъни талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносиб­ликнинг ўзгариши); б) ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни рағбатлантириш (даромадлар миқдори нарх ўзга-

риши билан ўзгариши туфайли иқтисодий фаолият субъектларининг хатти-ҳаракатлари ҳам ўзгаради); в) даромадлар ва харажатлар тақсимооти.

Корхоналарга хўжалик эркинлигини бериш, директив режалаштириш, фонд тақсимооти каби марказлашган бошқарув тизимидан воз кечиш. Корхоналарнинг хўжалик мустақиллиги, манфаатдорлиги ва қабул қилган қарорлари учун мулк эгалари олдидagi масъуллигини таъминлаш. Албатта, табиий монополиялар ва давлат стратегик вазифаларида банд бўлган корхоналар бундан мустасно.

Хусусий секторнинг ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш. Хусусан, нодавлат сектордаги корхоналарни кўпайтириш ва хом ашё ресурсларининг эркин бозорини шакллантириш.

Молиявий операцияларни эркинлаштириш, яъни молиявий секторнинг барча иштирокчилари учун тенг имкониятларни яратиш. Хорижий капиталнинг маҳаллий молиявий бозорга кириб келишини таъминлаш.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш. Юқори даражадаги бож тўловлари, товарлар экспорти ва импортидаги тўсиқларни имкон қадар бартараф этиш. Лекин, бу ерда молиявий бозорнинг эркинлиги чегарасини тўғри англаш лозим. Чек-чегарасиз эркинлик, охир оқибат молиявий инқирозларга сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Жамият иқтисодий ҳаётини давлат муассасаларининг маъмурий бошқаруви услублари ўрнига иқтисодий услублар асосида тартибга солишга эришиш ва буни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш. Ўз моҳияти жиҳатидан мазкур ислоҳот йўналиши кўп қиррали хусусиятга эга. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва мулкчилик муносабатларининг нотўғри амалга оширилиши ижтимоий табақалашувга олиб келади. Республика-мизда, бу жараён босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Асосий вазифа - ҳақиқий мулкдорлар синфини ва мулкчилик институтларини яратиш.

**Рақобат муҳитини яратиш.** Давлат рақобат муҳитини яратиш учун қуйидагиларни ҳал этиши керак:

а) ишлаб чиқариш ва молия ресурсларининг олди-сотди операцияларини эркин кечишини чекловчи тўсиқларни бартараф қилиш;

б) кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;

в) ташқи савдони эркинлаштириш воситасида рақобат муҳитини рағбатлантириш ва хорижий капитални жалб этиш;

г) фирром рақобат ва фирмаларнинг монополистик мавқеини бартараф этиш ҳамда компанияларнинг бирикиши ва молиявий иттифоқларининг тузилишига барҳам бериш.

д) хусусий бизнес ва давлат ходимлари манфаатлари соҳасини аниқ ажратиш ва коррупцияга қарши курашиш;

е) корхоналарга турли имтиёзлар ва кафолатлар бериш амалиётини имкон қадар пасайтириш. Чунки ушбу тадбирлар корхоналар ўртасида тенг бўлмаган ва носозлом рақобат муҳитининг шаклланишига олиб келади;

ж) табиий монополияларни тартибга солиш.

**Молиявий ислоҳотлар.** Молиявий бозорларда ва банк фаолиятида рақобат муҳитини яратиш, молиявий муносабатларни эркинлаштириш, давлатнинг молиявий сиёсати ва интизомини кучайтириш ва ҳ.к.

**Ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар.** Ижтимоий таъминот ва кафолатларнинг мақсадли, адресли тартибда амалга ошишини таъминлаш ва боқимандалик кайфиятларини йўқотиш. Ижтимоий соҳада ҳам нодавлат медицина хизмати, таълим, нафақа билан таъминлаш хизматларини жорий этиш. Соғлиқни сақлаш, таълим бериш тизимларида тижорат муносабатларини қарор топтириш ва рақобат муҳитини яратиш.

**Таркибий ислоҳотлар.** Иқтисодиётнинг дастлабки тар-

кибий тузилиши янги белгиланаётган талаблар даражасига жавоб бермайди, шу сабабли барча корхоналар фаолиятини тубдан қайта қуриш зарур бўлади. Бунда давлат инвестициялари бозор инфратузилмасини шакллантириш ва янги технологияларни жалб этишда асосий ўринни эгалламоғи керак. Лекин жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бунда алоҳида эҳтиёткорлик лозим. Биринчидан, давлат инвестициялари иқтисодиётнинг эскича тармоқ тузилишини сақлашга олиб келмаслиги, иккинчидан, инвестицияларнинг номутаносиб тақсимланишига таъсир этмаслиги, ва ниҳоят учинчидан, тор тармоқ манфаатларининг устун қўйилишига ва коррупцияга шароит яратмаслиги лозим. Демак, давлатнинг асосий вазифаси — таркибий қайта қуришни бевосита эмас, балки хусусий секторнинг инвестицион фаоллигини ошириш ва билвосита тартибга солишдан иборат бўлади.

**Ҳуқуқий ислохотлар.** Ялпи ҳуқуқий тизим хусусий мулк манфаатлари, эркин рақобат муҳитини ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилган бўлиши лозим. Ривожланган ҳуқуқий муҳит ва маданият қарор топган, эркин ва самарали қонун ҳамда суд ҳокимияти шаклланган шароитда жамиятнинг бозор муносабатларига ўтиши таъминланади.

**Сиёсий ислохотлар.** Бошқарувда демократик тизимни яратиш, тўғридан-тўғри ва вақолатли демократия институтларини жорий этиш, кенг маънодаги ҳуқуқий эркинликларни таъминлаш.

**Маданий такомил.** Бозор муносабатларига ўтишда миллий мафкура ва қадриятларнинг институционал ўзгаришларга мос келишини инобатга олиш ва уни таъминлаш.

Демак, ўтиш даврида амалга оширилаётган ислохотлар ва тадбирлар бирёқлама ва чекланган тартибда эмас, балки системали тарзда, бир-бирини тўлдириши лозим. Бозор тизимларини барпо этиш, ўз навбатида, барча со-

ҳаларга таалукли бўлиб, эркин рақобат муҳитини шакллантира бориш ҳисобига улар равнақини таъминлаши зарур. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида таркибий ўзгаришлар ва ислоҳотлар нодавлат тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг кўпайишига ва улар фаолиятини тартибга солишда иқтисодий услублардан фойдаланишни тақозо этади.

Таркибий ўзгаришларни амалга оширишда турли давлатлар ўз иқтисодий сиёсатини мавжуд шарт-шароитлар, белгиланган мақсадлар ва услублар асосида ишлаб чиқади. Бунда ҳар бир давлатнинг табиий ва нисбий устуворлик жиҳатлари, муайян тармоқ ва соҳанинг иқтисодиётда тутган ўрни ва ривожланиш истиқболлари муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабдан, ҳар бир давлатдаги таркибий ўзгаришларни бир неча моделга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

### **Инвестиция жараёнлари ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида инвестиция жараёнлари тўғрисида батафсил тўхталиб, хусусан, қуйидаги фикрларни билдирди: «...Иқтисодиётимизга тўғридан тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш кескин — яъни, 1,5 баробар кўпайди. Айниқса, нефть, газ, тўқимачилик саноатида уларнинг улуши янада салмоқли бўлди»<sup>3</sup>.

Республикаимизнинг мустақиллик даврига қадар хорижий сармоядорларни Ўзбекистонга жалб этиш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва жорий этишга етарлича эътибор берилмаган эди. Табиийки, мустақилликка эришган мамлакатимиз раҳба-

рияги иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан бири бўлган айнан шу масалани ҳал этишга жиддий муносабат билан ёндошди.

Шу билан бирга, бугунги кунда миллий иқтисодиётни модернизациялаш йўлига қадам қўйган Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб этиш жа-  
раёнларини янада жадаллаштириш ва инвестицион сиё-  
сатни фаоллаштириш давлатимиз раҳбарияти томонидан устувор вазифалардан бири деб белгилаб қўйилди. Ушбу вазифаларнинг қўйилишига сабаб шуки, корхона ва ком-  
панияларимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ички бозорни юқори сифатли товарлар билан бойитиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш кўп жиҳатдан самарали таш-  
кил этилган инвестицион фаолиятта боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, инвестицион сиёсатни амалга оши-  
ришдаги ижобий таъсирларнинг дастлабки асослари Ўзбе-  
кистон Республикаси мустақиллигининг биринчи кунла-  
риданок шакллантирила бошланди. Турли мулк шаклла-  
рини ривожлантириш ва инвестицион муҳитни тартибга  
солувчи механизмларнинг ишлаб чиқиши хорижий ин-  
весторлар учун қулай инвестицион муҳит яратилишига  
олиб келди.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида нодавлат  
мулк секторининг иқтисодиётимизни ривожлантиришда-  
ги ҳиссаси ҳам сезиларли даражада ошиб бормоқда. Ушбу  
секторда 1999-2004 йилларда республикамизнинг ялпи ички  
маҳсулотининг (ЯИМ) 64,5 дан то 74,1 гача фоизи ишлаб  
чиқарилди, қурилиш-монтаж ишларининг эса 77дан 83,9  
гача фоизи амалга оширилди.

Жалб қилинган капитал маблағларнинг умумий ҳажми  
1995-2004 йиллар мобайнида 14 баробардан кўпроққа ошди.  
Молиялаштириш манбалари бўйича ҳам инвестициялар  
таркибида катта ўзгаришлар рўй берди. Иқтисодиётимиз-  
нинг реал секторига бюджет маблағлари асосан иқтисо-

дий жиҳатдан аҳамиятга молик устувор ишлаб чиқариш соҳаларини ва алоҳида тармоқларни ривожлантириш учун йўналтирилди. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга бюджетдан ажратилаётган маблағлар улуши аста-секин камайтирилиб, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган инвестицияларнинг улуши тобора ошиб бормоқда. Ўйлашимизча, бу миллий иқтисодиётимиз таркибида ижобий ўзгаришлар рўй бераётганидан далолат беради.

Иқтисодиётимиздаги ижобий ўзгаришлар инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари бўйича ҳам муайян ижобий ўзгаришларларга сабаб бўлди. Ўз навбатида асосий капиталга йўналтирилган инвестицион манбалар таркибида 43 фоизни корхона ва ташкилотларнинг маблағлари ташкил қилди. Бу республикада инвестицион хавф-хатарларнинг камайиб боришидан ҳамда инвестициялаш субъектларининг жозибадорлигини сезиларли даражада ошаётганлигидан далолат беради. Хорижий инвесторлар нефть, газ, тўқимачилик саноатида, шунингдек, транспорт ва алоқа соҳаларида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, республикада хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилган корхоналарнинг (ХИК) географияси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004 йилнинг 1 январигача бўлган маълумотларига кўра, дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларидан хорижий инвестициялар жалб этилган. Корея Республикаси, АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Туркия, Швейцария, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия Федерацияси Ўзбекистонда маҳсулот ишлаб чиқариш, турли хил хизматларни бажариш бўйича йирик инвестор мамлакатлардан ҳисобланади.

Республикада иқтисодий ҳаётида иштирок этаётган

хорижий сармоядорлар орасида Корея Республикаси (35,2 фоиз) ва АҚШ (19,2 фоиз) давлатларининг улуши анча салмоқлидир.

Ушбу мамлакатларнинг инвестициялари асосан автомобилсозлик, рангли металлургия, тўқимачилик ва енгил саноатга жойлаштирилган. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида Буюк Британия, Австрия ва Туркия давлатларининг салмоғи катта. Умумий ҳисобда уларнинг улуши 5-10 фоизни ташкил этади.

Хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарнинг республикамиз умумий ташқи савдо айланмасидаги улуши ҳам аста-секин ошиб бормоқда. Бу улуш 2004 йилда 25,1%, экспорт соҳасида эса 18,8% ни ташкил қилди.

2004 йилнинг 9 ойи бўйича ХИКлар томонидан 1185,5 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Бу эса 2003 йилнинг шу турдаги иқтисодий кўрсаткичидан 21,5% кўпдир. Тармоқлар бўйича олганда, саноатнинг машина-созлик ва металлга ишлов бериш, енгил, озиқ-овқат, рангли металлургия, кимё ва нефт кимёси, тиббиёт тармоқларида, шунингдек, алоқа хизматларини кўрсатиш ва ахборотлаштириш соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши кузатилди.

ХИКларнинг экспорт товарлари орасида енгил автомобиллар, автобуслар, электротехника, мева-сабзавот маҳсулотлари, алоқа ва савдо хизматлари, тўқимачилик маҳсулоти, нефтни қайта ишлаш маҳсулоти ва бошқалар устунлик қилди. Ишлаб чиқариладиган ва экспорт қилинадиган маҳсулот улуши бўйича “Ўзавтосаноат” АК, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати ассоциацияси, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, “Ўзбекнефтегаз” МХК, агросаноат мажмуи тизимидаги корхоналар ажралиб турди.

Худудлар бўйича экспорт ҳажми Андижон вилоятида (2,2 баравар), Жиззах вилоятида (1,7 баравар) ва

Тошкент шаҳрида (1,7 барабар) жадал суръатлар билан ошиб борди. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида экспорт ҳажми бирмунча камайди. Минтақанинг умумий экспорт ҳажмида Андижон (83,6 фоиз), Навоий (57,6 фоиз), Фарғона (57,2 фоиз), Наманган (33,5 фоиз), Самарқанд (22,3 фоиз) ва Тошкент (15,9 фоиз) вилоятларидаги ХИКларнинг улуши катта бўлди.

Республика миқёсида Навоий, Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри аввалгидек маҳсулот ва хизматларни экспорт қилувчи йирик минтақалар сифатида эътироф этилмоқда. Бугунги кунга қадар республикамиздаги ХИКлар экспортининг 90,4 фоизи ана шу минтақалар улушига тўғри келмоқда. Бу минтақалар асосан машинасозлик, олтин қазиб чиқариш, енгил саноат маҳсулотлари ва энергия манбаларини экспорт қилади.

2004 йилнинг охирига келиб, ХИКларнинг маҳсулот ва хизматларни импорт қилиши бутун республика бўйича 834,7 млн. АҚШ долл. ёки республика жами импортининг 30,8 фоизни, 2004 йилда ушбу кўрсаткичлар 315,4 млн. долл. ёки 32,2 фоизни ташкил этди. Хорижий сармоядорлар иштирокидаги корхоналар импортини товарлар таркиби нуқтаи назаридан таҳлил қилсак, уларнинг аксариятини машина ва ускуналар, кимё саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил қилиб келмоқда.

Давлат бюджети ҳисобидан қилинган инвестициялар салмоғи жалб қилинган умумий капитал ҳажмининг 18,4% гача пасайди. Бу ҳол давлат бюджетидан молиялаштирилаётган инвестицион лойиҳаларга қўйиладиган талабларни кучайтирилганлиги билан изоҳланиши мумкин. Таҳлил қилинаётган даврда инвестицияларнинг катта қисми иқтисодийнинг базавий тармоқларини (саноат, транспорт ва алоқани) ривожлантиришга йўналтирилгани аниқланди.

Маълумки, жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг аниқ ва мақсадли йўналтирилишида унинг оптимал технологик таркибига аҳамият бериш ўта муҳимдир

Фикримизча, айнан мана шу соҳадаги жараёнларни янада такомиллаштириш таркибий ислохотлар самарадорлигининг янада ошишига олиб келиши мумкин. Иқтисодиётнинг турли соҳаларига ишлаб чиқариш ресурсларини, энергия қувватларини тежашга имкон берувчи инновацион технологияларни ва ускуналарни кенг жорий этиш ишлаб чиқариш харажатларини сезиларли даражада қисқартиришга, пировард натижада арзон, сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга имкон яратди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатларнинг ривожланиши улардаги инвестицион муҳит билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ривожланаётган мамлакатлар индустриал жиҳатдан тараққий этган давлатларда қўлланилган инвестицион сиёсатнинг, жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларни рағбатлантириш, ижтимоий соҳаларга инвестицияларни йўналтириш, хусусий инвестицион лойиҳаларни имтиёзли молиялаштириш каби воситаларидан кенг фойдаланади.

Республикамиз раҳбариятининг шу каби чора-тадбирларни ўз вақтида иқтисодиётимизга жорий этиш борасидаги фаолияти миллий иқтисодиётимизни мустақиллик йилларида МДХ мамлакатларига нисбатан анча самарали ривожланишига олиб келди. Бироқ, бугунги кунда миллий иқтисодиётни модернизациялаш зарурати юзага келдики, бунинг учун инвестицион стратегияларини такомиллаштириш, яъни хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни бошқаришнинг оқилона стратегиясини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарнинг жадал ривожланиши қувонарли ҳол, аммо ХИКларнинг

республикамиздаги экспорт-импорт операцияларидаги улуши ҳозирча талаб даражасида эмас. Фикримизча, бунинг асосий сабабларидан бири, ХИКлар ўз стратегиясини ташқи бозорга (экспортга) эмас, балки кўпроқ ички бозорга йўналтирилганлиги билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида турли соҳаларни ривожлантириш мақсадида жалб этилган хорижий молиявий инвестицияларни эркин валюта ҳисоб-китоблари асосида қоплаш муаммосининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Республикамизда хорижий инвесторлар иштирокидаги қўшма корхоналарни ҳудудий жиҳатдан жойлаштириш ва ривожлантириш жараёнларини ҳам такомиллаштириш зарур. Яъни жойлардаги ҳўжалик субъектлари томонидан инвесторларни жалб қилишга қаратилган инвестицион лойиҳаларнинг йўқлиги ёки борлари ҳам халқаро талаблар асосида ишлаб чиқилмаганлигидир. Ушбу масала бугунги куннинг муҳим муаммоларидан бирига айланган.

Президент Ислом Каримов қатор маърузаларида хорижий инвестицияли корхоналарни оқилона жойлаштириш ва республикамизнинг турли ҳудудларида қўшма корхоналарни ташкил этиш зарурати ҳақида бир неча бор таъкидлаб ўтган эди. Фикримизча, ушбу фикр турли ҳудудларимизни ривожлантириш, уларнинг республикани ташқи иқтисодий фаолиятидаги ҳиссасини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш нуқтаи назаридан жуда муҳим. Агарда республикамизнинг экспорт ва импорт операцияларида ХИКларнинг улушига тўхталадиган бўлсак, уларнинг ҳиссаси 1994 йилда 0,57 фоиз ва 5,59 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб 18,8 фоиз ва 32,2 фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирча қўшма корхоналарнинг жами импортдаги улуши экспортдаги улушидан бирмунча ортиқлиги кўзга ташланади. Айни пайтда, қўшма кор-

хоналарнинг импортга нисбатан юқори талаби экспорти-нинг бошқа таркибий қисмлари ҳисобидан қопланиб кел-моқда. Натижада, ички валлота захираларининг бир қисми фақатгина хорижий капитални қўллаб-қувватлашга йўнал-тирилмоқда. Ушбу вазиятни хорижий инвестицияли кор-хоналарнинг экспорт даражасини кескин ўстириш ҳисо-бигагина ҳал этиш мумкин. Албатта, ушбу жараён ХИК раҳбарларидан ўзларининг экспорт стратегияларини туб-дан такомиллаштиришларини талаб этади.

Бунинг учун миллий иқтисодиётни ривожлантириш-нинг таркибий жиҳатларига мурожаат қилишимиз зарур. Чунки охир-оқибатда инвестициялар билан боғлиқ ечим-лар прогрессив таркибий ривожланишда ўз ифодасини топмоғи керак. Агар миллий иқтисодиёт тармоқлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига назар ташласак, ўтган даврда энг катта ўсиш савдо ва соф солиқлар соҳасига хос бўлганини кўриш мумкин.

Мавжуд маълумотлар кўриб чиқиладиган даврда ЯИМ-ни яратишда саноатнинг роли сезиларли даражада ка-майганини кўрсатади.

Ҳолбуки, айнан мана шу йилларда инвестициялар-нинг катта улуши саноатни ривожлантиришга йўналти-рилган эди. Фикримизча, бу ҳолат инвестицион лойиҳа-ларни ишлаб чиқиш, инвестиция оқимларини тартибга солиш, хорижий ҳамкорларни танлаш, корхоналарни жойлаштириш, лойиҳа маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларга олиб чиқиш стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу лойиҳаларни амалга оширилишини самарали бошқариш услубларидан тўғри фойдаланиш муаммолари билан узвий боғлиқдир.

Эътиборни қаратиш лозим бўлган навбатдаги муҳим масала — корхоналарнинг фойдаси шаклидаги жамғарма нормаси муаммосидир. Ушбу жамғармаларни иқтисоди-ётни техника билан қайта таъмирлаш ва ишлаб чиқа-

ришни ташкил этишни такомиллаштиришга йўналтириш даражаси, охир-оқибатда, миллий иқтисодийнинг турли тармоқларини модернизациялаш суръатлари билан узвий боғлиқдир. Айнан мана шу жараёнлардан оқилона фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари сингари инвестициялаш манбаларини тўғри ташкил этилмаслиги ва қисқариши иқтисодий ўсиш истиқболларини чеклаб қўйиши мумкин.

Бизга маълумки, қўшма корхоналарни барпо этиш республикамизга ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни олиб киришга, янгича ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантиришга, замонавий бошқарув услубларини жорий этишга, экспортбоп товарлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйишга имкон беради ва, энг муҳими, янги иш ўринларини яратади. Шу сабабли бутун биз хорижлик инвесторларни жалб қила оладиган таклифлар асосида ўзаро фойдали инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқишимиз, инвестицион ярмаркаларни ташкил қилишимиз ва самарали лойиҳалар билан хорижий инвесторларни яқиндан таништириш механизмларини такомиллаштиришимиз зарур.

Шу билан бирга, жойлардаги ҳокимликлар инвестицион фаолиятнинг мониторинги орқали амалга оширилаётган лойиҳаларни ҳудуд аҳолисининг турмуш тарзига, унинг муҳим ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига қандай таъсир этаётганини муттасил таҳлил қилиб, тегишли қарорларни қабул қилиб боришлари лозим. Бизга маълумки, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМда ифодаланган ўртача даромад ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши ҳудудлар ва умуман мамлакат тараққиёти даражасининг асосий кўрсаткичларидан биридир.

Бутунги кунга келиб хорижий инвестицияларнинг халқаро миқёсдаги динамикаси ва капиталлар ҳаракатининг

истикболларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, хорижий сармоялар биринчи галда инвестицион муҳотида имтиёзлар тизими мавжуд бўлган ҳамда эркин бозор жараёнлари фаол ривожланаётган, йилдан-йилга иқтисодий ўсиш суръатлари ўсиб бораётган мамлакатларга кириб бормоқда.

Навбатдаги масала республикамизда автоном хусусиятни касб этаётган инвестицион жараёнларни жадал равишда индукцияланган инвестицион жараёнларга ўтказиш зарурати билан боғлиқ. Зотан, бу масаланинг ечими мамлакатдаги ишлаб чиқариш тизимини сифат жиҳатидан ўзгартиришнинг асосий воситаларидан бирига айланиши мумкин. Бунда мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш айнан индукцияланган инвестицион жараёнлар (аҳолининг истеъмолга йўналтирилган харажатларини ва турли хилдаги мулкчиликка асосланган корхоналар фойдасининг ўсиши) ҳисобига самарали кечиши мумкин бўлади.

Автономлик хусусиятига эга бўлган инвестицион жараёнларга индукцияланган инвестициялар учун хос бўлган хусусиятларни бахш этиш анча мураккаб жараёндир. Миллий иқтисодиётимиз учун бу босқични ўз вақтида босиб ўтиши ўта муҳим аҳамиятга эга. Халқаро тажрибалардан маълумки, ўз вақтида индукцияланган фаолиятга ўтишни таъминлай олмаслик ташқи қарзнинг ошиб кетишига сабаб бўлади.

Шу муносабат билан, биз мамлакатимиздаги иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлаш мақсадида инвестициялар ҳажмини абсолют даражада қўпайтириш керакми ёки бизга тўғридан-тўғри, қўшимча қиймат ҳосил қилишга қодир бўлган мақсадли, самарали инвестициялар керакми, деган масалани ҳал этишимиз лозим бўлади.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг халқаро капитал бозорларидаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ин-

вестицион жараёнлар самарадорлиги билан узвий алоқадорликда бўлган қуйидаги учта асосий омилга боғлиқ:

*Биринчидан*, давлат бошқарувининг рақобатбардошлигини кучайтирмоқ лозим, яъни давлатчилик функцияларининг оптимал ва бошқа мамлакатлардагига нисбатан янада самарали ташкил қилишга имконият берувчи таъмоийлларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш керак. Амалдаги ва янги қонунларни халқаро талаблар асосида унификациялаш, уларни мақсадли қўлланишини таъминлаш, фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий эркинликларни таъминлаш жараёнларини такомиллаштириш зарур.

*Иккинчидан*, маҳаллий бизнес ва тадбиркорликнинг рақобатбардошлик лаёқатини кучайтириш керак. Чунки янги инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида ўзига хос иқтисодий капитал ҳисобланмиш қимматли вақтнинг ноўрин сарфланиши туфайли инвестицион лойиҳалар ўз аҳамиятини йўқотиб қўймоқда. Натижада, биз миллий иқтисодиётимиз учун жуда муҳим бўлган экспортбоп, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни мақсад қилиб олган, импорт маҳсулотларнинг ўрнини босувчи самарали хорижий инвестицияларни бой бериб қўйишимиз мумкин.

Бизнеснинг рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ бўлган иккинчи вазифа — молиявий секторни ислоҳ қилиш билан боғлиқ. Бунинг учун молиявий сектордаги фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш таъмоийлларини такомиллаштириш даркор. Токи, молия сектори бизнес соҳаси ресурсларга муҳтож бўлган пайтда бу ишни мақбул шартлар асосида иложи борица катта муддатларга ва реал фоизлар асосида таъминлай олсин.

*Учинчидан*, инсон капиталининг, фуқароларимизнинг иш билан таъминланиш ва даромад олиш имкониятлари, бизнесдаги юқори рақобат муҳити шароитида фаолият

юрита олиш қобилиятлари билан белгиланади. Бу рақобат аста-секин фақат бизнинг фуқароларимиз ўртасида, балки маҳаллий хорижий мутахассислар ўртасидаги рақобатга ҳам айланиши мумкин. Инсон капиталининг ривожланиши, умуман олганда, одамнинг ҳаёти ва фаолияти билан ҳамбарчас боғлиқ. Шу сабабли биз илгари бизнес устунлик қилиши кераклиги назарда тутилмаган соҳаларда (яъни, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида, уй-жой-коммунал хўжалиги ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин) бизнес олиб бориш учун қулай шарт-шароитларни яратишимиз керак.

Шу билан бирга, миллий иқтисодиётимиз эҳтиёжлари учун қанча хорижий инвестицияларни жалб этишимиз ва уларни қайси соҳаларга йўналтиришимиз керак, деган яна бир муҳим саволга жавоб беришимиз лозим. Айни масалани ҳал этиш чоғида республикамизга инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатларимиз пировард натижада бизга иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан қанчалик қимматта тушиши мумкинлигини ҳисоблаб чиқишимиз ҳам зарур.

Гарчи ушбу муаммо юзасидан хилма-хил конференциялар, давра суҳбатлари уюштирилган бўлса-да, бугунга қадар бу саволга аниқ жавоб топилганича йўқ. Шу сабабли ҳам ушбу стратегик масалани ҳал қилишда истикболда биз ўзимизнинг стратегик инвесторларимиз ва иқтисодий ҳамкорларимиз тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишимиз муҳимдир. Эътироф этилган масала юзасидан шахсий муносабатимизни билдириш ва таклифларимизни киритиш мақсадида қуйидаги учта тезисга эътибор қаратмоқчимиз.

*Биринчи тезис.* Бизнинг хўжалик юритувчи субъектларимиз ташқи инвесторлардан нимани кутишлари мумкинлигини, яъни биз сармоя эгаларининг умидларини қай даражада рўёбга чиқаришга тайёр эканлигимизни тушуниб олишлари лозим.

*Иккинчи тезис.* Агар биз катта миқёсдаги самарали инвестицияларни жалб этмоқчи бўлсак, у ҳолда хорижий инвесторларга қилинаётган аниқ инвестицион таклифларимизнинг афзаллиги нимадан иборат эканлигини асослай олишимиз, бошқача айтганда, лойиҳавий менежмент услубларини тўғри қўллай билишимиз керак.

*Учинчи тезис.* Инвестицияларни жалб этишдан олдин биз ҳамкорлик қилмоқчи бўлган инвесторлар қандай психологик ҳолатда эканликларини ҳам тушуниб етишимиз керак. Умумий жараёнларни тезлаштириш мақсадида янги инвестицион концепцияни ишлаб чиқишимиз ва истиқболда хорижий инвестицияларни жалб этиш стратегиясининг асосий йўналишларини белгилаб олишимиз зарур.

1996-2004 йилларда иқтисодий ўсишни таъминлаш иш тажрибасидан келиб чиқиб, ижтимоий йўналган бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва миллий иқтисодий хавфсизлик муаммоларини самарали ҳал қилиш имкониятларига эга бўлишимиз учун иқтисодий ўсиш суръатларини йилига 6-8 фоиздан пасайтирмасликка эришимиз керак. Бунга, аввало, ички талаб ва бозорни ривожлантириш ҳисобига эришимиз мумкин.

Фикримизча, давлатларнинг рақобатбардошлик даражаси уларнинг жаҳон бозоридagi вакили ҳисобланган корхоналари ва компанияларининг рақобатбардошлик даражаси билан белгиланади. Давлатнинг фаровонлиги эса охир оқибатда мамлакатнинг ЯИМ кўлами ва миллий даромадни яратувчи корхона ва ташкилотлар оладиган фойданинг даражаси билан белгиланади. Шундай қилиб, миллий иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги муваффақиятлар халқаро миқёсда фаол иш олиб боришга қодир бўлган корхона ва компаниялар фаолияти билан узвий боғлиқ.

Назаримизда, инвестицион жараёнлардаги айрим кам-

чиликларнинг шаклланиш сабабларини амалдаги инвестицион менежмент тизимидан излаш керак. Ҳозирги кунда республикамызда шаклланган инвестицион менежмент тизими хусусий мулкчиликнинг интенсив ривожланишига бирмунча тўсқинлик қилувчи, уни модернизациялаштириш даражасини секинлаштирувчи омил бўлиб келмоқда. Инвестицион жараёнларни бошқариш тизимини модернизациялаш, тизим фаолиятини маъмурий-буйруқбозлик услубларидан озод этилиши инвестицион муҳитни янада такомиллашувига олиб келади.

Мамлакатимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, ички хусусий инвестициялар иштирокидаги инвестицион лойиҳаларни ривожлантириш, инвестицион сиёсатни эркинлаштириш ҳамда маъмурий тадбирларни соддалаштириш мақсадида one-stop shops тизимини (хорижий компанияларга инвестиция жараёнлари билан боғлиқ барча масалаларни бир ташкилот миқёсида ҳал қилиш имконини яратиш) жорий этишни ўринлидир.

Ҳар бир инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун, уни танлов асосида, мустақил, ҳар сафар янгидан ташкил қилинадиган ва шартнома асосида ишлайдиган менежерлар “жамоаси”га тақдим этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун буюртмаларни бажариш бўйича шартномаларда томонларнинг жавобгарлиги, жумладан, самарасиз иш олиб боргани учун, моддий жавобгарлик ҳам кўзда тутилиши лозим. Лойиҳавий менежмент шартларининг изчиллик билан бажарилиши алоҳида инвестицион лойиҳаларни бошқариш самарасини оширилиши баробарида Ўзбекистондаги инвестицион жараёнларни сифат жиҳатидан янада такомиллаштиришга, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражасини мустаҳкамлашга имкон яратиб беради.

## Аҳоли даромадларининг ўсиб бориши ва ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ялпи ички маҳсулот 2004 йили 7,7 фоизга ўсганлигини, инфляция даражаси 3,7 фоизни ташкил этгани ҳолда аҳолининг реал даромадлари 15 фоизга ошганини мамнуният билан айтиб ўтди<sup>4</sup>.

Республикамызда амалга оширилаётган макроиқтисодий барқарорлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва бозор ислохотларининг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги сабабли, 2004 йилдан бошлаб туб иқтисодий юксалиш даври бошланди, деб айтишимиз мумкин. Чунки, 2004 йили саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 13,4 фоизга, жумладан, саноат товарлари ишлаб чиқаришнинг 18,6 фоизга ўсиши таъминланди. Бу ижобий ўзгаришлар аҳоли даромадларини янада ошириш учун моддий асос бўлиб хизмат қилади.

Турли иқтисодий фаолият юритувчи аҳоли тоифалари даромадни тақсимлашда фаол иштирок этиб, ўз даромадларини оширишга эришди. Шу боис ялпи ички маҳсулотнинг тобора кўпроқ қисми уй хўжалиги ихтиёрига тушиб, аҳоли даромадларини ҳосил этди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар бозор механизмининг шаклланишини таъминлади ва тадбиркорлик даромади, фойда ва фоиз сингари аҳоли даромад турларини юзага келтирди. Даромадлар даражасининг ортиши кишиларнинг ўз мол-мулкларини мустақил тасарруф этишлари ва хоҳишига қараб ишлатишлари натижаси ўлароқ, мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар шаклини ҳам юзага келтирди. Ниҳоят, даромадлар миқдорини ўстиришда ҳар қандай чеклаш-

лар бекор қилиниб, қонуний даромадларларнинг юқори чегараси солиқлар орқали тартибга солина бошлади. Оқибатда, юқори даромад олишга жалақит берувчи тўсиқлар олиб ташланди.

Айни пайтда, аҳоли даромадларини янада ошириш учун иқтисодий ривожланиш даражасини сифат жиҳатдан янада жонлантириш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Аҳоли даромадларини ўсиб бориши ва ижтимоий барқарорликни таъминланишида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1. Аҳоли даромадларининг ўсишига эришиш учун:

— минимал иш ҳақи даражасини мақсадга мувофиқ миқдорда ошириш;

— иш ҳақи миқдорини ишлаб чиқариш даражасига нисбатан муттасил ошириб бориш;

— солиққа тортилмайдиган минимал даражани белгилаш;

— хусусий сектор ҳисобидан янги иш ўринларини ташкил этиш;

— йирик ишлаб чиқариш билан майда ишлаб чиқариш тармоқлари алоқасини кенгайтириш;

— уй хўжалиги доирасида кичик ишлаб чиқариш цехларини ташкил этишга давлат ва нодавлат ташкилотлари кўмагини ошириш;

— имтиёзли кредитлар кўламини янада кенгайтириш;

— савдо-сотиқ эркинлигини янада кўчайтириш;

— ишлаб чиқариш ресурсларига чекловларсиз эга бўлиш ва уларни ўзлаштириш эркинлигини таъминлаш;

— ахборот олиш эркинлигини кўчайтириш ва кенгайтириш.

2. Ижтимоий барқарорликни таъминлаш учун:

— миллий иқтисодиёт нуфузли тармоқларининг ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши ҳисобига иқтисодий ўсишни таъминлаш;

— аҳоли сонининг ўсиш суръатларига нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажмининг юқори даражада ўсишига эришиш;

— инфляция даражасини барқарорлаштириш ва аҳолининг реал даромадларини ўстириш;

— бюджет тақчиллигига йўл қўймаслик;

— асосий капиталга реал инвестицияларни киритишни кўчайтириш ва етакчи тармоқларда институтчионал ўзгаришларни изчил давом эттириш;

— паст рентабелли корхоналарда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарининг экспортини кенгайтиришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

— хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш;

— жисмоний шахс мақомидаги тадбиркорлар қатламини кенгайтиришнинг ҳукукий ва иқтисодий асосларини яратиш.

Ўзбекистонда миллий ишлаб чиқариш таркибини модернизация қилиш аҳолининг даромад топишга бўлган қизиқишини рағбатлантириши, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин иқтисодий фаолиятини таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиши ва янада кўпроқ даромад топишга ундаши зарур. Натижада, даромадни ишлаб топадиган субъектлар сони ортиши аҳолининг ўрта ҳол қатламининг кўпайишига ва уларнинг таъсир доирасининг кучайишига эришилади. Бу эса аҳоли даромадларининг ижтимоий аҳамиятини ўсиши ва турмуш даражасининг юқори бўлишини таъминлайди.

Аҳоли даромадларининг ўсишида иш ҳақининг минимал даражаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам иш ҳақининг энг кам миқдори аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси сифатида муттасил ошириб борилиши талаб этилади. Агар бу кўрсаткич ни-

хоятда паст бўлса, иш ҳақи халқнинг энг зарур истеъ-  
мол эҳтиёжларини қондириш имкониятини бермайди ва  
унинг асосида белгиланган иш ҳақи кишиларни меҳнатга  
тўлиқ рағбатлантира олмайди.

Минимал иш ҳақининг ўсиши аҳоли даромадларини  
индексация қилиш йўли орқали амалга оширилади. Аммо  
индексациялаш усули иш ҳақи ва аҳоли жон бошига да-  
ромадларни кескин ошириш имконини тўлиқ бермаслиги  
ҳам мумкин. Шунинг учун давлатнинг даромадлар сиёса-  
ти аҳолининг бозор орқали қўшимча даромад топиш им-  
кониятларини кенгайтириш ва бунинг шарт-шароитлари-  
ни яратишни кўзда тутади.

Аҳоли даромадларини ўстириш билан бир қаторда пул-  
нинг харид қувватини ҳам ошириш лозим. Бунинг учун,  
энг аввало, пулнинг қадрсизланишига қарши қатъий чо-  
ралар кўриш Президентимиз томонидан муҳим вазифа-  
лардан бири сифатида эътироф этилди ва аҳоли даро-  
мадларининг ўсиши инфляцияни келтириб чиқармасли-  
гини инобатга олиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бу  
борада белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширили-  
ши туфайли яқин беш йил давомида пулнинг қадрсизла-  
ниш даражасининг йилига 3-4 фоиздан ошмаслигига,  
аҳолининг реал даромадларининг ўсиш суръатлари эса  
пулнинг қадрсизланиш суръатларига нисбатан юқорироқ  
бўлишига эришилади.

Аҳолининг харид қувватини ошириш учун ички ис-  
теъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган  
товарлар ва хизматлар билан мунтазам ва ишончли  
тарзда тўлдириш лозим бўлади. Ушбу вазифани ҳал  
қилиш мақсадида республика саноат маҳсулотлари  
ишлаб чиқариш умумий ҳажмида истеъмол товарла-  
рининг улушини яқин беш йил ичида 60 фоизга еткази-  
лиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса, миллий  
иқтисодиётнинг истеъмол моллари ишлаб чиқариш со-

ҳалари ва корхоналари фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Аҳоли даромадларининг ўсиши ва ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ўзгаришига қуйидаги ҳолатларни қарор топиши орқали таъсир этади:

Биринчидан, иқтисодий фаолият эркинлиги даромад топиш имкониятларини кенгайтиради, қўшимча даромад топиш рағбатлантирилади.

Иккинчидан, аҳоли даромадларининг бозор иқтисоди-га хос бўлган янги турлари пайдо бўлади.

Учинчидан, аҳоли даромадларининг анъанавий турлари янгича моҳият ва аҳамият касб эта бошлайди.

Тўртинчидан, истеъмолчилар бозорининг товар ва хизматлар билан тўйиниш даражасининг ортиши билан пул шаклидаги даромадни реал даромадга, яъни товарлар ва хизматларда ифодаланган даромадга айланиши учун шарт-шароит яратилади.

Бозор иқтисодиётига хос даромад турларининг пайдо бўлиши уни кўпайтириш имконини беради ва бу пулнинг харид қобилиятининг ошишига олиб келади. Бозор иқтисодиёти даромадни кўпайтиришни чекламайди, чунки шу йўл билан иқтисодий барқарорликка эришилади. Аҳоли даромадларини юксалиши жамиятда ўрта ҳол аҳоли табақасининг ортишига замин ҳозирлайди ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Демак, ижтимоий барқарорлик аҳоли даромадларининг муттасил ошиб бориши билан бир вақтда юз беради.

Ижтимоий барқарорлик умумжаҳон миқёсида қабул қилинган бир нечта кўрсаткичларда ифодаланади. Ана шу кўрсаткичларга қараб, мамлакатдаги ижтимоий барқарорликка баҳо бериш мумкин. Бунда мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлангани даражаси асос

сифатида олиб қаралади. Қуйидаги жадвалда ижтимоий барқарорлик индикаторлари келтирилган.

Мавжуд маълумотларига асосланиб айтиш мумкинки, Ўзбекистондаги ижтимоий индикатор кўрсаткичлари шу бугунги кунга нисбатан анча ижобий ҳолатни ифодалайди.

Аҳоли даромадлари тури ва миқдори жиҳатидан биридан фарқ қилади. Бу турмуш даражасида ўз аксини топади. Шунинг учун, аҳоли даромадларининг шаклланиши ва табақаланишининг ҳосиласи сифатида турмуш даражасининг табақаланиши келиб чиқади.

Аҳоли даромадларининг шаклланиши ва табақаланиши турмуш даражасининг фарқланиши билан бевосита боғлиқ бўлса-да, даромадлардан фойдаланиш даражасига нисбатан иккиламчи ҳисобланади. Кишининг даромад топиши унинг шахсий имкониятлари ва қобилиятлари чегарасида амал қилса, турмуш даражасини таъминлаш давлат томонидан йўналтирилган фаолият таъсирида бўлиши мумкин. Даромадларнинг табақаланиши аҳоли турмуш даражасининг фақат миқдор жиҳатдан фарқланиши эмас, турмуш сифатининг юксалишини, комил инсонни шакллантириш учун бир қатор шароитларни ҳам юзага келтиришни тақозо қилади. Шунинг учун аҳоли даромадларининг табақаланиши масалаларини ижтимоий барқарорлик билан узвий боғлиқ, деб қараш керак.

Ижтимоий барқарорлик аҳоли турмуш даражасининг ўзгаришига қуйидагича таъсир этади:

Биринчидан, аҳоли даромадлари таркибининг хилма-хиллиги унинг миқдорига таъсир қилиб, даромадни қўпайтириш манбаси кишининг шахсий меҳнати билан бирга, у эгаллик қилаётган мулкнинг миқдорига, мулккий ҳиссадорлик даражасига ҳамда сарфланаётган капитал ҳажмига боғлиқ бўлади ва шуларга мувофиқ ҳолда ўзгариб боради.

Иккинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида фаровон-

ликнинг ўзгариши бозор қонунлари таъсирида бўлади. Даромадларнинг табақаланиши аҳоли турмуш тарзида ва фаровонлик даражасида ўз аксини топади.

Учинчидан, иқтисодиётнинг ривожланиши ва ҳаётий неъматларнинг тақсимланишида давлатнинг таъсири кучаяди ва аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш кўлами кенгаяди.

Тўртинчидан, давлат ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кўламини янада кенгайтиради. Натижада жамиятда ижтимоий тотувлик таъминланади ва бу ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни кафолатлайди.

Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб, аҳоли даромадларининг ўсишида ва ижтимоий барқарорликнинг таъминланишида қуйидаги масалалар ечимига эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

1. Ишчи кучини керакли жойда ишлата билиш имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу инсон қобилиятларидан тўлиқ фойдаланиш имконини берадиган иқтисодий шарт-шароитларнинг мавжудлигига боғлиқ.

2. Кишининг мулкий таъминлаганлик даражаси ва ундаги фарқ даромадлар миқдори ҳамда шаклига кучли таъсир қилади. Бу мулкдан олинадиган даромадларнинг кенгайтирилиши қулай иқтисодий шароитлар мавжудлигига боғлиқ.

3. Аҳолининг даромад топиши жараёнида муқобил имкониятлар фойдаланиш кўникмасининг шаклланиши турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

4. Тармоқлар таркибининг ишлаб чиқариш ва минтақавий хусусиятлари иқтисодий фаоллик даражасига ҳар хил таъсир кўрсатади.

5. Худудга киритилган инвестициялар салмоғи ва уларнинг самараси даромадлар даражасига таъсир этади.

Бозор иқтисодиёти инсоннинг даромад топиши учун кенг йўл очиб берса-да, миллий иқтисодиёт хусусияла-

ридан келиб чиққан ҳолда оқилона даромадлар сиёсатини юритиш талаб этилади. Шунинг учун иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, бозор иқтисодиётининг салбий кўринишларининг олдини олиш мақсадида иқтисодиётни тартибга солиш ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади. Давлат, бир томондан, ҳар бир жамият аъзосининг турмуш фаровонлигини юксалтиришда тенг имкониятлар яратишга ва умумий фаровонликни таъминлашга интилса, иккинчи томондан, даромадларга эга бўлишда иқтисодий жиҳатдан адолатли табақаланишни турли усуллар орқали тартибга солишга кўмаклашади ва ижтимоий барқарорлик ҳамда тотувликни таъминлайди.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
2. МДХ Статистика қўмитаси маълумотлари.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т., Ўзбекистон, 2005, 72-бет.
4. Ислом Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.

# МУНДАРИЖА

|                                                                                                    |    |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Кириш .....                                                                                        | 3  |
| Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш<br>ва эркин иқтисодиёт тамойилларини<br>жорий этиш.....           | 4  |
| Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ўсиш.....                                                       | 12 |
| Иқтисодиётда таркибий ислоҳотларни<br>амалга ошириш ва мамлакатни<br>модернизация қилиш.....       | 21 |
| Инвестиция жараёнлари ва миллий<br>иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини<br>таъминлаш муаммолари..... | 29 |
| Аҳоли даромадларининг ўсиб бориши ва<br>ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши.....                 | 43 |

## **ЭРКИН ИҚТИСОДИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**Akademiya**  
**Тошкент 2005**

Муҳаррир Г.Абдуллаева  
Мусаҳҳиҳ М.Абдуллаева  
Рассом Р.Султонов  
Техник муҳаррир Н.Қурбонова  
Нашр учун масъул Б.Умаров

Теришга берилди 4.08.05. Босишга рухсат этилди 8.08.05.  
Бичими 84x108<sup>1</sup>/32. Офсет босма. Шартли босма табоғи 3,2.  
Нашриёт ҳисоб табоғи 3,2. Адади 500. Баҳоси шартнома  
асосида.

«Ma'rifat-Print» МЧЖ, Тошкент ш., Сўғал ота кўчаси, 7а.

